



THE ROLE OF ARCHAEOLOGICAL MONUMENTS IN THE UNDERSTANDING OF HISTORICAL AND CULTURAL HERITAGE

Uktam Mavlanov

Doctor of History, Professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

Kh. Yusupova

Oriental University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: UNESCO, historical monuments, archaeological sites, museum exhibits, local history museum, cultural heritage, architectural monuments, arts and crafts.

Received: 10.05.25

Accepted: 12.05.25

Published: 14.05.25

Abstract: The article examines the role of archaeological monuments in the historical and cultural heritage of Uzbekistan. The issues of research, preservation, popularization of archaeological heritage, and improvement of current legislation in this process are analyzed.

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИ АНГЛАШДА АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ўқтам Мавланов

Т.ф.д., Профессор

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Х. Юсупова

Oriental университет

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ЮНЕСКО, тарихий ёдгорликлар, археологик ёдгорликлар, музей экспонатлари, ўлкашунослик музейи, маданий мерос, меъморий обидалар, бадиий хунармандчилик.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг тарихий маданий меросида археологик ёдгорликларнинг тутган ўрни кўриб ўтилган. Археологик ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш, археологик меросни тарғиб этиш, бу жараёнда мавжуд қонунчилликни такомиллаштириш

РОЛЬ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ПАМЯТНИКОВ В ПОНИМАНИИ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ

Уктам Мавланов

доктор исторических наук, профессор

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Х. Юсупова

Oriental университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ЮНЕСКО, исторические памятники, археологические памятники, музейные экспонаты, краеведческий музей, культурное наследие, памятники архитектуры, художественные промыслы.

Аннотация: В статье рассматривается роль археологических памятников в историко-культурном наследии Узбекистана. Анализируются вопросы исследования, сохранения, популяризации археологического наследия, совершенствования действующего законодательства в этом процессе.

Кириш. Инсониятнинг тарихий-маданий меросини сақлаш ва ўрганиш муаммоси дунёнинг барча маданий мамлакатлари учун муҳим масалалардан биридир. Бу масала қатор ҳалқаро ташкилотларнинг, хусусан, БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКОнинг фаолиятида етакчи ўрин тутиб келмоқда. Тарихий-маданий ёдгорликларни сақлашга эътибор, ўз навбатида, жамиятнинг маънавий ва маданий юксалишида ўзига хос пойdevor вазифасини ўтайди ва ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Услубиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тарих, тарихий меросга муносабат масаласига эътибор қаратиб, “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-кудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур”, деб таъкидлаб ўтган эдилар. Бу фикрлар Ўзбекистонда тарихий маданий меросга янгича муносабат концепциясини яратиш ва унинг моҳиятини англашга хизмат қиласиди.

Мухокама. Марказий Осиё цивилизацияси шаклланиши ва ривожланишида унинг “юраги” ҳисобланган Ўзбекистон ҳудуди муҳим ўрин тутган. Мамлакатимизда жойлашган

тарихий маданий мерос объектлари, ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида далолат беради. Улар ичида қадим тарихимиз хазинаси бўлган археологик ёдгорликлар – кўхна шаҳарлар харобалари, қўрғонлар, манзилгоҳлар, мудофаа иншоотларининг қолдиқлари, карвонсаройлар, работлар ва сардобалар, кўприклар каби йўлбўйи иншоотлари, тош ҳайкалчалар, тош битик ва суратлар, буюмлар, аҳоли масканларининг тарихий-маданий қатламлари ва бошқалар минтақанинг қадимги давр ва ўрта асрлар маданияти изларини ўз бағрида сақлаб келмоқда. Ўзбекистоннинг вилоят ва туманларида ўта нотекис жойлашган археологик ёдгорликларнинг бизгача сақланиб қолганлари сони айrim манбаларга кўра 8,5 мингга яқинdir.

Ўзбекистоннинг Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида тутган ўрнини очиб берувчи тушунчаларни шакллантириш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири хисобланади. Тарихий-маданий мерос, аждодлар тажрибаси барча даврлар ва жамиятлар учун ўзига хос маънавий таянч вазифасини ўтаб келади. Ўзбек халқи дунёning барча маданий халқлари сингари бой ва бебехо тарихий-маданий меросига доимо катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келган. Аждодлар меросини ўрганган, асрар авайлаган ва тарғиб келиб келган. Шу билан бирга, тарихий-маданий меросга муносабат масаласига дунё миқиёсида назар ташласак, бугунги кунда тарихий-маданий меросни, маънавий, аҳлоқий қадриятларни сақлаш масаласи глобал муаммолар қаторига кириб бораётганлигини кўриш мумкин. Зеро, замонавий “оммавий маданият” мезонлари бизнинг ҳам анъанавий маънавий қадриятларимизни эскилик сарқити сифатида қараб, уларни менсимаслика чақирмоқда. Бу хатарга қарши туриш, ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ва юксалтириш муаммоси, бу муаммо ечимида тарихий-маданий мероснинг ўрни ва аҳамиятини англаш бугунги даврнинг долзарб вазифалари қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз худудида тарихий ёдгорликларни, нодир китобларни, қўлёзмаларни сақлаш ишига қадимда ва ўрта асрларда ҳам эътибор берилган. Хусусан, ноёб тарихий ёдгорликлар ҳамда нодир қўлёзма асарлар сарой кутубхоналарига тўпланиб, маҳсус муҳофаза этилган. Мисол тариқасида сомонийлар даврида Бухорода мавжуд бўлган ва мусулмон Шарқида машхур кутубхона, Амир Темур, Шоҳруҳ ва Улуғбек, Абдуллахон сингари ҳукмдорларнинг саройларидағи бой кутубхоналар, Маъмун академияси, Улуғбек академияси каби нуфузли илмий даргоҳлар фаолиятини, янги иншоотлар барпо этиш ва мавжудларини таъмирлаш соҳасида олиб борилган ишларини айтиб ўтиш мумкин. Аммо ички сиёсий низолар, тез-тез рўй бериб турган ўзаро урушлар ва босқинчилик юришлари

туфайли тарихий-маданий мерос объектларининг аксарияти талон-тарожга учраган ҳамда мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

Европада тарихий-маданий меросга эътибор, асосан, Уйғониш давридан бошланган. Буюк француз инқилобидан кейин шахсий коллекциялар национализация қилиниб, 1793 йилда Парижда Лувр музейини ташкил этиш тўғрисида декрет қабулқилингани бу борада катта қадам бўлди. XIX-XX аср бошларида Европа давлатларида тарихий-маданий ёдгорликларни давлат муҳофазасига олиш бўйича муҳим давр бўлди. XX асрда рўй берган иккита жаҳон уруши нафақат Европада, шу билан бирга бошқа қитъаларда ҳам тарихий-маданий ёдгорликларнинг маълум қисми вайрон бўлишига, талон-тарож қилинишига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тарихий ёдгорликларга, тарихий меросга эътибор кучайди. Хусусан, 1946 йилда ташкил этилган “Халқаро музейлар кенгashi” фаолиятида ҳам тарихий ёдгорликларни сақлашга асосий эътибор қаратилди. 1954 йилда бўлиб ўтган Гаага конференциясида ЮНЕСКО ташаббуси билан “Куролли конфликтлар рўй берганда маданият бойликларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Халқаро конвенция ва баённома имзоланган. 1959 йилда ташкил этилган “Тарихий мерос ва маданий бойликларини муҳофaza этиш ва реставрация қилиш халқаро тадқиқот маркази”, “Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофaza этиш бўйича халқаро кенгаш” (1965 йилда ташкил этилган) ҳам халқаро миқёсда археологик ёдгорликларни ва маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

ЮНЕСКО томонидан 1972 йилда “Жаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш тўғрисида” Конвенция қабул қилиниши тарихий меросга эътиборнинг ва бу соҳада халқаро ҳамкорликнинг ривожига кенг йўл очди. Бу ҳужжатда биринчи маротаба дунё халқарининг бутунжаҳон меросини ташкил этувчи буюк аҳамиятга эга айrim табиий ва маданий меросларни сақлаш ва авайлаб асрараш учун жаҳон халқлари масъулликка чақирилган эди. Конвенцияни амалиётга тадбиқ қилиш учун 1974 йилда ЮНЕСКО қошида “Умумжаҳон мероси” қўмитаси таъсис этилиб, қўмита томонидан ноёб маданий ёдгорликлар рўйхати тузиш бошланди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга мерос қолдириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мамлакатимизда тарихий ёдгорликларни муҳофaza қилишнинг қонуний асослари яратилди ва такомиллашиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон тарихий-маданий мерос бўйича халқаро қонунлар, конвенцияларни ўрганиш ва қабул қилишга эътибор қаратди. Хусусан, ЮНЕСКО

томонидан 1972 йилда қабул қилинган “Жаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш тўғрисида” Конвенцияни Ўзбекистон 1993 йилда ратификация қилган эди.

Сўнгги ўн йилликларда тарихий-маданий меросимизнинг муҳим қисми бўлган моддий маданият ёдгорликлар, хусусан археологик ёдгорликларга янгича муносабат қарор топди. Бу уларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатининг қонуний асослари такомиллаштирилиб борилишида ҳам кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 8 мингга яқин маданий мерос ёдгорликлар расмий рўйхатга олиниб, тегишли қонунлар асосида давлат ҳимоясига олинган. Улар ичida куйидагилар мавжуд:

- Археологик ёдгорликлар - 4308;
- Меъморий обидалар - 2079;
- Монументал санъат ёдгорликлари – 694
- Дикатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлар-395
- Жами – 7476.

Инсониятнинг тарихий-маданий меросини сақлаш глобал муаммолар қаторига кўтарилиб бормоқда. Мавжуд маълумотлар таҳлилига асосланиб, тарихий маданий меросга нисбатан таҳдидларни куйидаги гурӯхларга бўлиб чиқиши мумкин:

1. Антропоген омиллар;
2. Табиий омиллар: иклимдаги кескин ўзгаришлар, зилзила, тошқинлар, ва бошқалар;
3. Экология бузилиши билан боғлиқ таҳдидлар (ерости шўр сувлари таъсири, саноат чиқиндилари ва бошқалар;
4. Жойларда хукуқий билим ва маданиятнинг етишмаслиги;
5. Жамиятнинг айrim қатламларида тарихий-маданий меросга, миллий қадриятларга беписандлик, хурматсизлик сақланиб қолаётганлиги.

Моддий маданий мерос объектлари ичida археологик ёлгорликларни сақлаш бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам, Археологик меросни сақлаш, ўрганиш масаласига бугунги кунда долзарб муаммолар қаторида қаралмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишда 2009 йил 16 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” Қонун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган бу Қонуннинг мақсади “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат” эканлиги қонуннинг 1- моддасида белгилаб қўйилган. 34-моддадан иборат Қонунда археологик ёдгорликларнинг таърифи, уларни муҳофаза

қилишда давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг вазифалари, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва фойдаланиш қоидалари, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик ва бошқа тегишли масалалар ўз аксини топган.

Бугунги глобал ахборат даврида мамлакатмиз ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қадимий маданий меросимиз билан халқаро илмий жамоатчиликни таништириш долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибиغا қўйилмоқда. Бу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик натижасида ҳозирда Россия (Москва, Санкт-Петербург) олимлари билан қалин илмий алоқалар мавжуд. Франция, Германия, Япония, Италия ва Польша билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. 1998 йилдан бошлаб Ўзбек-француз археологик экспедицияси қадимги Афросиёб ва Кўктепа ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб бориб, Самарқанд Суғдида шаҳарсозлик маданияти генезиси масаласида янги маълумотларни қўлга киритди. Қадимги Термиздаги буддавий ёдгорликларни ўрганишда япон олимлари билан, Қадимги Даван пайтахти сифатида қараладиган Эрши харобаларида хитойлик археологлар билан олиб борилган тадқиқотлар ва бошқа кўплаб мисоллар халқаро ҳамкорлик кўлами ва аҳамиятидан далолат беради.

Бугунги кунда нисбатан яхши ўрганилган машҳур ёдгорликлар ичida Зарафшон воҳасида жойлашган қадим Афросиёб, Кўктепа ва кўхна Пойкенд харобалари, Қашқадарё воҳасидаги Узунқир ва Еркўргон, Сурхон воҳасидаги бронза даврига оид Сополлитепа ва Жарқўтон, кушонлар даврининг ноёб ёдгорликлари бўлган Даљварзинтепа, Халчаён, Фаёзтепа, Қоратепа, шунингдек, Кўхна Термиз харобаларини, Фаргона водийсидаги Чуст ва Даљварzin каби сўнгти бронза – илк темир даврига мансуб ёдгорликлар ҳамда машҳур Ахсикент шаҳри харобасини, Тошкент воҳасидаги Қанқа ва Мингўрик, Хоразм воҳасидаги Кўзалиқир, антик даврининг машҳур ёдгорликлари бўлган Тўпроққалъя, Кўйқирилганқалъя, Аёзқалъя ва бошқа кўплаб қалъаларни қайд этиш мумкин. Бу ёдгорликлар мамлакатимиз ҳудудида Исломдан олдинги даврда ҳам юксак маданият, маънавият мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистондаги машҳур археологик ёдгорликлар “Ўзбектуризм”нинг туристик маршрутлари рўйхатига киритилган. Уларнинг айримларида замонавий туризм талабларига жавоб берадиган хизмат кўрсатиш тизими, тегишли инфратузилмалар яратилган. Бу археологик ёдгорликларга ташриф буюраётган туристлар сонининг йилдан-йилга кўпайиб боришига, ички ва халқаро туризм ривожига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз худудида жойлашган барча моддий маданият объектларини, меъморий иншоотлар ва археологик ёдгорликларни тарихий мероснинг муҳим таркибий қисми сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб қилиш давр талабига айланиши зарур. Бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш асосида тарихий меросни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини янада такомиллаштириш учун қуидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

1. Ўзбекистондаги барча тарихий ёдгорликларни давлат муҳофазасига олишга қаратилган мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириб бориш;
2. Соҳага малакали мутахассисларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш;
3. Ёдгорликларнинг тарихий қиёфасини сақлаш, таъмирлаш жараённида бу масалага масъул давлат маҳкамалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
4. Жамиятда тарихий-маданий мероснинг барча турларига хурмат рухини шакллантириш, мамлакатимиздаги барча Олий таълим даргоҳларида жойлардаги тарихий ёдгорликлардан таълим жараённида кенг фойдаланиш бўйича дастур қабул қилиш;
5. Тарихий-маданий меросни сақлашда давлат ташкилотларининг ОАВ ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш;
6. ЮНЕСКО ва тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш.
7. Йирик ва халқаро миқиёсида машҳур бўлган тарихий ёдгорликларда ички ва ташки туризмни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш;
8. марказий (“Ўзбекистон тарихи”, Маънавият ва маърифат”, “Ёшлар”) ва маҳаллий ОАВда “Тарихий мерос ва ёшлар тарбияси” мавзусида туркум телекўрсатувлар ташкил этиш;
9. талаба ёшларни ўзлари таҳсил олаётган вилоятлар худудидаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш, муҳофаза қилиш ва тарғиб қилиш жараёнига кенг жалб этиш.

Хуносас. Умуман олганда, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё худуди минг йиллар давомида халқаро маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар ривожланган, турли диний ва маънавий, ахлоқий қадриятлар ўзаро мулоқотга киришадиган макон бўлиб келди. Минтақанинг бу географик ўзига хослиги минтақада ҳайратда қоларли бағрикенглик хислатига эга бўлган халқимизни тарбиялади, юксалтириди, дунё цивилизациясига, умуминсоний қадриятларга катта хисса қўшган йирик миллат бўлиб танилишимизга имкон берди. Бу асрий қадриятларни сақлаш, ёш авлоднинг тарихий тафаккурини бойитишда тарихий-маданий мероснинг, хусусан археологик

мероснинг аҳамиятини англаш янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси (имиджи) бўлишига эришиш гуманитар таълим тизимининг бош вазифаси бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.
2. Бердимуродов А., Раимкулов А.Т. Археологик мерос: уни асрлаб-авайлаш барчамизнинг фуқоралик бурчимиздир // Ўзбекистон тарихи ва маданияти. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б. 233.
3. Мавлонов Ў., Абдувасидова И. Тарихий-маданий мерос – миллий ғояни англаш омили. – Тошкент: Akademiya, 2014.
4. ЮНЕСКО. Цели, структуры, деятельность. Хроника, факты, цифры. – М., 2002. – С. 97.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 декабря ПҚ-4068 сонли “Моддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори; Вазирлар маҳкамасинининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сонли “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
6. “Халқ сўзи”, 2009 йил 14 октябрь. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 42-сон, 448-модда.